

“Чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишнинг самарали йўллари” мавзусидаги видеосеминар маъруза матни

Асалому алайкум ҳурматли семинар катнашчилари.

Амалий машғулотиимизни бошлашдан аввал рухсат этсангиз Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 67-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида шу кунга қадар Халқ таълими тизимида амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтмоқчиман.

Сизга маълумки, умумтаълим мактабларида чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш ишларининг ташкил этилганлигини танқидий ўрганиш бўйича Республика комиссиясининг 2016 йил 24 октябрдаги йиғилиши 2-сонли баёнида ҳамда Халқ таълими вазирининг 2016 йил 1 ноябрдаги “Умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳорати ва билим даражасини ўрганиб чиқишни ташкил этиш тўғрисида”ги 262-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг **3-10 январь** кунлари **Умумтаълим мактаблари инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳорати ва билим даражасини ўрганиш бўйича синовлар ўтказилди.**

Мазкур синовларда **жами 20119 нафар** инглиз тили ўқитувчиларининг иштирок этиши режалаштирилиб, ўтказилган синовларда **19267 нафар (95,8%)** ўқитувчилар иштирок этган, **852 нафар** (жами ўқитувчилар сонига нисбатан **4,2%**) ўқитувчилар иштирок этмаган.

Синов натижаларига кўра, иштирок этган **19267 нафар** ўқитувчиларнинг **18005 нафари (93,4%)** - “Тинглаб тушуниш” (Listening), **16116 нафари (83,6%)** - “Ўқиш” (Reading), **15574 нафари (80,8%)** - “Тил ва методика” (Lexical, Grammar and Methodological), **16498 нафари (85,6%)** - “Ёзиш” (Writing), **16713 нафари (86,7%)** - “Тапириш” (Speaking) кўникмаларидан 55 фоиз ва ундан юқори натижа кўрсатиб **17250 нафар (89,5%)** ўқитувчилар синовдан муваффақиятли ўтган.

Синовда иштирок этган ўқитувчиларнинг **1262 нафари (6,6%)** - “Тинглаб тушуниш” (Listening), **3151 нафари (16,4%)** - “Ўқиш” (Reading), **3693 нафари (19,2%)** - “Тил ва методика” (Lexical, Grammar and Methodological), **2769 нафари (14,4%)** - “Ёзиш” (Writing), **2554 нафари (13,3%)** - “Тапириш” (Speaking) кўникмаларидан 55 фоиздан паст натижа кўрсатиб **жами 2017 нафар (10,5%)** ўқитувчилар синовдан муваффақиятли ўтмаган.

Худудий малака ошириш институтларидан олинган маълумотларга кўра, синовдан ўтмаган 2017 нафар ўқитувчиларнинг **224 нафари (88,9%)**, синовга қатнашмаган **852 нафар** ўқитувчиларнинг **562 нафари (66%)** бугунги кунда (бола парвариши таътили ва нафақага чиққанлиги, ишдан бўшаганлиги ва кўчиб кетганлиги сабабли) умумтаълим мактабларида фаолият олиб бормаётганлиги аниқланди.

Синовдан ўтмаган ва қатнашмаган ўқитувчиларнинг қайта кўриб чиқилган рўйхати асосида синовдан ўтмаган ва қатнашмаган ўқитувчиларидан амалда **жорий йил март-июнь ойларида** ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда малака ошириш курсларига жалб этиладиган **2083 нафар** ўқитувчиларнинг (1793 нафари синовдан ўтмаган, 290 нафари синовга қатнашмаган) туман (шаҳар)лар ва мактаблар кесимидаги рўйхати шакллантирилиб, Худудий малака ошириш

институтларининг режасига асосан ташкил этиладиган малака ошириш курслари доирасида малака ошириш курсларидан ўтиш режа-жадвали ишлаб чиқилди.

Мазкур режага асосан **жорий йилнинг 1 мартдан** бошлаб синовдан ўтмаган ва қатнашмаган ўқитувчилар Худудий малака ошириш институтларида анъанавий малака ошириш курслари доирасида малака ошириш курсларига қабул қилиниб, уларнинг малакасини ошириш жараёни амалга оширилмоқда.

Худудий малака ошириш институтлари томонидан жорий йил **март** ойида **жами 367 нафар (341 нафари синовдан ўтмаган, 26 нафари қатнашмаган) ўқитувчиларнинг** ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда малакасини ошириш режалаштирилиб, амалда **191 нафар (52%) (186 нафар синовдан ўтмаган 5 нафар қатнашмаган) ўқитувчилар** малака ошириш курсига қабул қилинган. **(-176 нафар)**

Малака ошириш курсига қабул қилинган **191 нафар (186 нафар синовдан ўтмаган 5 нафар қатнашмаган) ўқитувчиларнинг 1 нафари (Тошкент вил)** дарсларга мунтазам қатнашмаганлиги учун **тингловчилар сафидан чиқарилган 190 нафар (85 нафари ўтмаган, 5 нафари қатнашмаган) ўқитувчилар (144 соатлик)** малака ошириш курсини муваффақиятли якунлаган.

Апрель ойи режасининг бажарилиши бўйича:

Худудий малака ошириш институтлари томонидан жорий йил **апрель** ойида **жами 593 нафар** синовдан ўтмаган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш режалаштирилиб, амалда **593 нафар ўқитувчилар ўрнига 462 нафар (-131 нафар) ўқитувчилар** малака ошириш курсига қабул қилиниб режа **77,9 % га бажарилган.**

Мавжуд камчиликлар ва муаммолар:

Туман(шаҳар) ХТМФМТТЭБлари ва мактаб раҳбарлари томонидан синовдан ўтмаган ва қатнашмаган ўқитувчиларни ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда малака ошириш курсларига тўлиқ жалб этиш талаб даражасида назорат қилинмаяпти.

Натижада синовдан ўтмаган ва қатнашмаган ўқитувчиларни малакасини ошириш режаси тўлиқ бажарилмаган.

Март ойида

Қашқадарё вилоятида **90 нафар**, Самарқанд вилоятида **43 нафар**, Жиззах вилоятида **20 нафар**, Навоий вилоятида **10 нафар**, Хоразм вилоятида **6 нафар**, Бухоро вилоятида **6 нафар**, Тошкент вилоятида **4 нафар**, Фарғона вилоятида **1 нафар ўқитувчиларнинг жорий йил март ойида малака ошириш курсларига келиши таъминланмаган.**

Апрель ойида

Қашқадарё вилоятида **60 нафар (28,6%)**, Сурхондарё вилоятида **38 нафар (42,2%)**, Жиззах вилоятида **20 нафар (69%)**, Самарқанд вилоятида **10 нафар (16,7%)**, Фарғона вилоятида **6 нафар (50%)**, Хоразм вилоятида **4 нафар (40%)**, Навоий вилоятида **2 нафар (10%)**, Наманган вилоятида **1 нафар (3,6%) ўқитувчиларнинг апрель ойида малака ошириш курсларига келиши таъминланмагани ҳолда режа бажарилмаган.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги 67-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини *тизимли* давом эттириш ҳамда 2017 йилда умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларининг **1-босқичини** ташкил этиш мақсадида Халқ таълими вазирининг 2017 йил 23 январдаги “2017 йилда умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларининг 1-

босқичини ташкил этиш тўғрисида”ги 21-сон буйруғига асосан Марказий институтда 2017 йил **29-31 январь – 1-3 февраль** кунлари тренерлар тайёрлаш махсус курслари ташкил этилиб, **839 нафар** тренерлар тайёрланди.

Жорий йилнинг 10 март (ойининг иккинчи жумаси) кунидан бошлаб туман(шаҳар)лардаги **589 та** таянч мактаблари негизда **839 нафар** махсус тайёрланган тренерлар ёрдамида 1-босқич чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курслари ўтказилмоқда.

1-босқич чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курслари ўқув-методик материаллари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Чет тилларини ўқитишнинг инновацион методларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб Марказий институт томонидан чоп этилиб, тақсимот асосида **тренерлар ва ўқитувчиларга бепул етказиб берилди.**

Ҳар ҳафталик курслардаги дарс машғулотларини самарали ташкил этиш мақсадида ўқув-методик материаллар 2 ой учун, яъни **март-апрель** ва **май-июнь** ойлари учун 2 та тўпلام шаклида чоп этирилиб, курслар бошланишидан **10 кун** аввал етказиб берилмоқда.

Ҳозир сизларга **Май** ойида ўтказиладиган дарс машғулотларидан бирини самарали ташкил этиш бўйича фикрларимизни ўртоқлашамиз.

(1 мавзу юзасидан машғулот ўтилади)

Эътиборингиз учун раҳмат!

М.Абдуллаева

А.Авлоний номидаги

Халқ таълими ходимларини

қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш марказий институти

“Хорижий тиллар” кафедраси